



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 69 (12.630)

Баҳоси эркин нарҳда

2014 йил — Соғлом бола йили

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



БЕЖИРИМ ВА ЗАМОНАВИЙ СПОРТ ЛИБОСЛАРИ

Бугунги кунда дунёда мода саноати кун сайин ўзгариб бораётган бўлса-да, хотин-қизлар либосларининг чиройли ва бежирим бўлиши лозимлиги ҳақидаги барча замонларга хос талаб аҳамиятини йўқотмасдан келмоқда.

Бу бетакорлиги ва шарқона ранглар уйғунлиги билан ажралиб турадиган ўзбек хотин-қизлари либосларига ҳам тааллуқлидир. Масалан, атлас ва адас либос қизларга ўзгача жило ва жозиба беради. Сўнгги йилларда Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган турли матолар дунёда машҳур бўлиб бораётди.

Бунга ажабланмаса ҳам бўлади. Чунки, Ўзбекистон жаҳонда юқори сифатли табиий матолар, жумладан, пахтадан тайёрланган газламалар ишлаб чиқарадиган йirik мамлакатлардан биридир. Бугун ўзбек қизлари учун айнан шу матодан спорт кийимлари тикилмоқда. Мамлакатимиз тўқимачилик корхоналари ҳар йили қизлар учун жа-

хон стандартлари ва миллий хусусиятларни ўзида мужассам этган миллионлаб спорт либосларини махсус дизайн асосида ишлаб чиқармоқда. Бунинг натижасида ички бозорда болалар, аynикса, қизлар учун мўлжалланган спорт либосларига бўлган талаб тўлиқ қондирилмоқда.

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2002 йил 24 октябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида» ва 2004 йил 29 августдаги «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари бу борада муҳим дастуруламал бўлиб хизмат қилаётди.

Ушбу ҳужжатларга мувофиқ тўқимачилик корхоналарида қизлар учун оммавий ишлаб чиқарилаётган спорт кийимларининг бир қисми ҳар йили давлатимиз раҳбари номидан уларга совға қилинмоқда.

Соғлом бола йили, деб номланган жорий йилда ҳам бу анъана давом эттирилмоқда. Президентимиз ташаббуси билан қизлар учун 100 минг дондан зиёд бежирим спорт кийимларини тайёрлашга доир лойиҳа амалга оширилаётди. Бу гал юртимизнинг энг чека туманларида яшаётган турли ёшдаги қизларга ҳам байрам тантаналари учун алоҳида мўлжалланган спорт кийимлари совға сифатида берилади.

(Давоми 2-бетда)

9 апрель — Амир Темур таваллуд топган кун

МИЛЛАТ ҚУДРАТИНИНГ ТИМСОЛИ

Осмоннинг шарқий қопқаси судайи оқарди. Кўёшнинг заррин нурларидан Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг кўркем ойналари ялтиради. Азим ва навқирон Тошкент яна бир тонгни қарши олди.

Ўрнимдан тураману хона деразаларини ланг очиб юбораман. Тяньшан тоғларида қорларни ялаб ўтган, адирларда лола қизгалдоқларнинг атрига чайинган субҳидан сабоси димоқни қитқилаб ўтади.

Радио мурватини бурайман. Ундан майин мусика таралади ва шоирнинг Ватан ҳақидаги шеъри кўнглини тўлқинлантириб юборади:

...Надир миллат қудратининг тамаддуни?
Амир Темур ҳайкалидан сўранг бун.
От миндириб ким қайтарди юртга уни?
Жаҳонгир бекхонумон юрт эди бу...

Борлигидан ҳам дунгунга, ҳам суртунга, ҳам ўйига тўлади. Халқ ва миллат тамаддунига асос яратган, буюк Шайхондор авлоди эканиндан ифтихор этасан.

Мустиқиллик туфайли Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида қудратли салтанат асосчиси, илм-фан, маданият ва маънавият ҳомийси, дунё цивилизациясига бекиёв хисса қўшган буюк аждодларимизнинг, жумладан, Амир Темурнинг тарихий хотираси тикланди. Пойтахтимизнинг марказий кўчаларидан бирига, метро бекатида, фусункор хиёбонга унинг номи берилиб, маҳаббатли ҳайкали қад ростлади. «Амир Темур» ордени таъсис этилди.

...Кўз ўнгимдан Соҳибқирон ҳайкали жой олган файзли хиёбон, унга туташ кўркем Амир Темур шожўчаси ўтади. Буюк аждодимиз номига қўйилган кўча ва хиёбонни сайр этиш истасанги пайдо бўлади.

Собиқ мустабид тузум даврида Энгельс номи билан юритилган бу кўча истиклол йилларида нафақат ташқи кўриниши, балки мазмун-моҳияти жиҳатидан ҳам бутунлай ўзгарди. 1992 йил 7 майда кўчага Амир Темур номи берилди. 2008 йил 6 майдан ушбу кўча Мовароуннаҳр кўчаси билан бирлаштирилиб, «Амир Темур шожўчаси» деб юритила бошлади. Катта халқа йўлидан Тошкент марказий вокзалигача салкам ўн километр узунлигидаги бу кўчага ушбу номнинг берилиши буюк аждодимизга бўлган юксак эҳтирмнинг яна бир ёрқин ифодаси бўлди.

Президентимиз «Юксак маънавият — энгилмас куч» асарида юртимизнинг турли кўча ва хиёбонлари, метро ва автобус бекатлари, катта-катта майдонлар, биноларни безаб турган ўзбекча



номлар, шior ва лавҳалар ҳамда уларнинг ҳаётий аҳамияти ҳақида алоҳида тўхталади: «Ваҳоланки, яқин тарихимизда бу манзара бутунлай бошқача кўринишга эга эди. Биргина Тошкент шаҳридаги кўчаларнинг номларини ўқиб, беихтиёр қайси мамлакатда юрганингизни билмай қолар эдингиз: Ленин, Маркс, Энгельс, Луначарский, Киров, Ворошилов, Лопатин ва ҳоказо. Шуниси ажабланарлики, большевиклар партиясининг дохийлари бўлиши бу инсонларнинг бирортаси ҳам умрида юртимизга қадам қўймаган, бизнинг тарихимиз ва қадриятларимизга мутлақо алоқаси бўлмаган кимсалар эди. Ёки шаҳардаги аксарият турархой мавзелари «Ц-1», «Ц-2», «Ц-15» деган, одамда ҳеч қандай хис-туйғу, хотира уйғотмайдиган мавҳум номлар билан атаб келинганини эслайлик.

Буларнинг барчаси замирида совет мафқурасига хос бўлган, одамзотни тарихий хотира, Ватан туйғусидан жудо қилишга қаратилган ғаразли интилишлар мужассам эканини англаш, тушуниш қийин эмас».

Тошкент азиямининг марказий кўчаларидан бири тарихимизда ўчмас из қолдирган буюк сиймо номи билан аталаркан, бу бобокалонимиз шахсига ҳурмат-эҳтиром рамзи сифатида юртдошларимиз, айниқса, ёш авлод қалбида Ватанимизга муҳаббат, ундан фахрланиш ҳиссини юксалтиришга хизмат қилади.

Ушбу кўча бўйидаги «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуи ва «Катагон қурбонлари хотираси» музейи зиёратчилар қадами эзилмайдиган кутлуг масканлардан. Юртбошимиз ёдгорлик мажмуининг очилишига бағишланган маросимда қайд этганидек, одамларнинг юрагига мудиҳи из қолдирган қатоган йилларида бу кўримсиз жарлик — Алваста кўприк деб совуқ ном олган, инсон қалбига қўрқув соладиган қаровсиз жойда халқимизнинг минглаб асл фарзандлари отилган, бекафан, бежаноза, ном-нишонсиз кўмиб ташланган.

(Давоми 3-бетда)

ЎЗБЕКИСТОН «MONDIAL DU TOURISME» ХАЛҚАРО КЎРГАЗМАСИДА

Франция пойтахтидаги «Paris, Porte de Versailles» кўргазмалар марказида йirik халқаро тадбирлардан бири — «Mondial du Tourisme» кўргазмаси бўлиб ўтди.

Ушбу нуфузли сайёҳлик анжуманида мамлакатимизнинг бу соҳадаги улкан салоҳияти Самарқандда фаолият кўрсатадиган «Revtours» компанияси томонидан намойиш этилди. Унда ўзбек халқининг бой тарихий, маданий ва маънавий мероси, гўзал табиати ва ажойиб иклими ҳамда мамлакатимизнинг сайёҳлик соҳасидаги имкониятлари муносиб равишда тақдим этилди.

Жумладан, кўргазма иштирокчилари ва меҳмонлари Ўзбекистонда сайёҳлик инфратузилмасини такомиллаштириш, уларни жаҳон андозаларига мувофиқлаштириш борасида ҳаётга татбиқ этилаётган бунёдкорлик ишлари — аэропортларни модернизациялаш, ҳаво кемалари ва шаҳарлараро автобус парklarини янгилаш, халқаро меъёрларга жавоб берадиган меҳмонхоналар ҳамда автомобиль йўллари бунёд этишга доир атрофлича маълумотлар билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлдилар.

Шуни қайд этиш жоизки, 39-мартаба ўтказилган «Mondial du Tourisme» бу йил қарийб 500 иштирокчини ўз атрофига тўплади. Улар дунёнинг 50 дан зиёд мамлакатидан келган миллий сайёҳлик компаниялари, туроператорлар, меҳмонхона бизнеси ва авиакомпаниялар вакиллари билан иборат эди. Ҳаммаси бўлиб 100 минг нафардан зиёд саёҳат иштироки учун кўргазма иши билан танишди.

Франция сайёҳлик индустрияси вакиллари «Жаҳон» ахборот агентлигининг муҳбири билан бўлиб ўтган суҳбат чоғида Ўзбекистоннинг «Mondial du Tourisme» анжуманидаги иштироки ҳамда мамлакатимизнинг сайёҳлик салоҳияти ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини баён этдилар.

Фредерик Амбросино, «Mondial du Tourisme» сайёҳлик кўргазмасининг тижорат ишлари бўйича директори:

— Париждаги ушбу халқаро кўргазмаимизда Ўзбекистоннинг иштироки биз учун ҳам муҳим ва қувонарли воқеа ҳисобланади. Чунки у мамлакатининг сайёҳлик бозори қай даражада шитоб билан ривожланиб бораётгани билан таништириш учун жуда қулай имкониятдир.

Афсонавий тарихий шаҳарлар — Самарқанд, Бухоро, Хива сингари шаҳарларнинг бетакрор гўзаллигидан ҳамда ўзбекхона очик-қўнгиллик ва меҳмондўстлиқдан баҳраманд бўлиш учун ҳар йили Франциядан 15 минг нафардан зиёд сайёҳ Ўзбекистонга боришмоқда. Биз «Ўзбектуризм» миллий компанияси ва мамлакатининг хусусий сайёҳлик муассасалари билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантиришга, Франциянинг барча минтақаларида ўтказиладиган сайёҳлик тадбирларида уларнинг иштирокини таъминлашга тайёриймиз. Ўз-ўзидан аёнки, булар ҳам гўзал юртингизга сайёҳларнинг оқимини янада кўпайтиришга хизмат қилади.

«Жаҳон» АА,
Париж

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ўн тўртинчи ялпи мажлисининг очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн тўртинчи ялпи мажлиси 2014 йил 10 апрель куни эрталаб соат 10.00 да Тошкент шаҳрида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари 2014 йил 9 апрель куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносининг фойесига рўйхатга олинади.



МАМЛАКАТИМИЗДА

● Самарқанд шаҳридаги Ўзбекистон маданияти тарихи музейида Амир Темур ва темурийлар тарихини ўрганишга бағишланган илмий-амалий конференция ўтказилди.

● Нукусда фармацевтика соҳасида иш олиб бораётган хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини ривожлантириш, аҳолини сифатли дори воситалари билан таъминлаш масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда божхона, солиқ, ички ишлар идоралари ходимлари, дорихоналар раҳбарлари иштирок этди.

● Андижонда «Соғлом бола йили» Давлат дастури ижроси юзасидан соғлом бола тарбиясида миллий қадриятларнинг ўрни мавзусида семинар бўлиб ўтди. Семинарда миллий қадриятларимизни асраб-авайлаш ва уларнинг бардавонлигини таъминлашда ёш авлод зиммасидаги бурч ва масъулият хусусида фикр алмашилди.

● Хоразмда Халқаро саноат ярмаркаси ва кооперация биржасининг худудий босқичи бўлиб ўтди. Кўргазмада «Азамат сут», «Азимбой-Озод» хусусий корхоналарининг сут маҳсулотлари, «Табассум-сервис» хусусий фирмаси томонидан ишлаб чиқарилаётган махсус иш либослари, эркаклар, аёллар ва болалар кийимлари харидорларда катта қизиқиш уйғотди.

● Самарқанд вилояти Окдари педагогика коллежида «Умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар таълимида таълим жараёнини такомиллаштириш муаммолари» мавзусида амалий-услубий конференция ўтказилди.

● Фарғонада иқтисодийетимизни ривожлантиришда янги инновацион технологияларнинг ўрни мавзусида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Анжуманда иқтисодийетимиз тараққиётига салмоқли хисса қўшадиган янги инновацион технологиялар борасида турли маърузалар тингланди.



● Хитойнинг Хенкин оролида дунёдаги энг катта океанариум ишга тушди. Лойиҳа қиймати 810 миллион АҚШ долларига тенг бўлган мазкур иншоотни барпо этишга уч йил вақт сарфланди. У бир йўла бешта рекордни янгилади, шу жумладан, энг қиммат океанариум сифатида Гиннеснинг рекордлар китобига киритилди.

● Ирландиянинг «Ryanair» авиакомпанияси март ойда якунига етган навбатдаги молиявий йил бўйича ҳисоботларини эълон қилди. Хусусан, у 81,7 миллион нафар йўловчига хизмат кўрсатиб, бу борада ўзига хос рекорд ўрнатди. Аммо жорий йилнинг ўтган ойда «Ryanair» фаолияти бироз секинлашди. Яъни, йўловчи ташиш ҳажми 2013 йилнинг шу давридагига нисбатан 4 фоиз пасайган.

● Таиланд шимоли-шарқидagi Лей провинциясидаги автотрассалардан бирида мудҳиш воқеа рўй берди. Ишчиларни олиб кетаётган юк машинаси йўлнинг кескин бурилиш қисмида мувозанатни йўқотиб, ағдарилган. Бунга ҳайдовчининг ушбу ҳудудда тезликни белгиланган меъёрдан ошириб юборгани сабаб бўлган. Оқибатда 10 киши ҳаётдан кўз юмган, 18 нафар одам эса турли даражада тан жароҳати олган.

ДОИМИЙ КОМИССИЯ ЙИФИЛИШИ

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши Ижтимоий маданий ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссиясининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга кўмаклашувчи шаҳар Ишчи гуруҳи ҳамкорлигидаги навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда «Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида»-ги, «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»-ги, «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга кўмаклашувчи шаҳар Ишчи гуруҳи ҳамкорлигидаги навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Жумладан, «Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг мақсад, мазмун-моҳиятини ёшлар ўртасида кенг тарғиб этиш лозимлиги кўрсатиб ўтилди. Тошкент шаҳридаги маданий мерос объектларини инвентаризациядан ўтказиш ишларини янада фаоллаштириш, тарихий обидалар ва зияратхоналарни сақлаш, уларни таъмирлаш ва атрофини янада ободонлаштириш ҳамда инфратузилмасини ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирларни белгилаш даркорлиги таъкидланди.

Шунингдек, тарихий ёдгорликларни муҳофаза қилиш, тегишли кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш, туманлар кесимида маданий мерос объектлари акс этган туман харитасини яратиш ҳамда ёдгорликларнинг муҳофаза ҳудудларида қурилиш ишларини олиб бормаслик, туман ҳокимликларида мазкур Қонунни атрофлича таҳлил этиш ҳамда иш самарадорлигини ошириш юзасидан тегишли тадбирларни амалга ошириш тавсия қилинди.

«Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг ижросини таъминлаш юзасидан истеъмолчилардан келиб тушаётган ариза ва муурожаатларнинг сабабларини аниқлаштириш мақсадида тегишли давлат ва нодавлат идораларини жалб этган ҳолда муҳофаза ишларини мувофиқлаштириш ҳамда мазкур соҳа бўйича тегишли чора-тадбирларни ишлаб чиқиш белгиланди.

Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича амалга оширилган ишларни янада фаоллаштиришга йўналтирилган давра суҳбати, брифинг ва семинарлар ўтказиш лозимлиги таъкидланди. Истеъмолчилар орасида ижтимоий сўровлар ўтказиш, қонунбузилиш ҳолатлари бўйича

ўрнатилган тартибда чора кўриш зарурлиги қайд этилди. Манфаатдор давлат ва нодавлат идоралари билан ҳамкорликда истеъмолчилар ҳуқуқлари ва уларнинг манфаатларини суд орқали ҳимоя қилиш тизимини давом эттириш ва бу борада олиб борилаётган ишларни янада фаоллаштириш ҳамда мазкур жараёни истеъмолчилар орасида кенг тарғиб этиш кераклиги кўрсатиб ўтилди.

«Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг ижросини таъминлаш юзасидан мазкур Қонуннинг мақсад, мазмун-моҳияти ва вазифаларини кенг тарғиб этиш ишларини мувофиқлаштириш ҳам долзарб вазифадир.

Бундан ташқари, ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш ишларини давом эттириш, байрамлар ва шонли саналарда уларнинг оилаларига ташриф буюриш ҳамда совға-саломлар билан муқофотлаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, унга амал қилиш масалалари муҳофаза этилди.

Йиғилиш кун тартибидagi масалалар юзасидан халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари Н.Насимов, М.Рахматуллаева, Д.Қосимов, Н.Эшиметова, Т.Матиев, Ш.Ирисметов, Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш Давлат инспекцияси бошлиғи Қ.Рузиев, Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси Тошкент шаҳар ҳудудий бирлашмиси раиси Б.Абдуқайумов, Тошкент шаҳар хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш ҳудудий бошқармаси бўлими бошлиғи Қ.Мўминов, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Тошкент шаҳар бўлими бошқаруви раиси ўринбосари А.Ғуломов, Халқ таълими бош бошқармасининг бўлим бошлиғи Б.Сафаров, Ўзбекистон Ногиронлар жамиятининг Тошкент шаҳар бўлими раиси Ф.Восиқова, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармасининг бўлим бошлиғи Р.Набиева ҳамда бошқаларнинг фикр-мулоҳазалари тингланди.

Йиғилиш якунига кўра доимий комиссия томонидан кун тартибидagi масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг Қонунчилик палатасидаги фракцияси томонидан болалар ва ўсмирлар спортини ривожлантириш ҳамда соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилишда партиянинг иштироки мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

УСТУВОР ВАЗИФАЛАР ВА ЁШ АВЛОД КАМОЛОТИ

Унда Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сийёсий Кенгаши аъзолари, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги масъул ходимлари, спорт федерациялари вакиллари, мураббийлар, Осиё ва жаҳон чемпионлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари С.Турсунов, Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси Қ.Жўраев ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга қаратилаётган доимий эътибор мамлакатимизда соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишга хизмат қилаётганини таъкидлади. Навқирон авлод ўртасида спортни ривожлантириш ва соғлом турмуш тарзини қарор топтириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар самарасида Ўзбекистон спортчилари халқаро майдонларда салмоқли ютуқларни қўлга киритмоқда.

«Соғлом бола йили» Давлат дастурида соғлом ва ҳар томонлама ривожланган авлодни шакллантириш

масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Дастурда белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда давлат ва нодавлат ташкилотлари, жумладан, партияларнинг иштироки тобора ортмоқда.

Бугунги кунда маҳалла фуқаролар йиғинлари қосида турли спорт секциялари ва тўғарақлар фаолият юритмоқда. Бу болалар ва ўсмирларнинг бўш вақтини мазмунли ва самарали ўтказишда муҳим омил бўлаётди.

Партиянинг истиқболдаги вазифаларида спортни кенг тарғиб этиш, наққирон авлоднинг жисмонан соғлом, маънан етук бўлиб улғайишида жойлардаги бошланғич ташкилотлари етакчилари фаоллигини оширишга эътибор қаратилган.

Давра суҳбатида бошланғич ташкилотларнинг партия дастурий вазифаларини бажариши, бу борада уларнинг ташаббускорлигини оширишга оид масалалар юзасидан фикр юритилди.

**Барно МЕЛИКУЛОВА,
ЎЗА мухбири**



БЕЖИРИМ ВА ЗАМОНАВИЙ СПОРТ ЛИБОСЛАРИ

(Давоми. Боши
1-бетда)

Бу борада катта тайёргарлик ишлари кўрилди. «Осиё рамзи» дизайнерлар ва модельерлар уюшмаси, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти, «Шарқ либослари» дизайнерлик маркази ҳамда «Ўзбекенгилсаноат» давлат акциядорлик компанияси мутахассисларидан иборат махсус ишчи гуруҳи тузилди. Шунингдек, бу жараёнга «Ўзтекс-Чирчиқ», «Контекс», «Инвестекс», «Гул рен текс», «Арже фейш» каби мамлакатимиздаги ихтисослаштирилган йирик тўқимачилик корхоналари ҳам жалб этилди.

«Осиё рамзи» дизайнерлар ва модельерлар уюшмаси раиси Холда Комилжоннинг айтишича, мутахассислар барча ёшдаги қизлар учун қарийб эллик турдаги спорт кийимлари моделини ишлаб чиққан. Миллий хусусиятлар, иқлим ва маҳаллий шaroитлар инобатга олинган ҳолда ун иккита модель оммавий ишлаб чиқариш учун танлаб олинди. Ушбу кийимлар таркибига синтетик тола қўшилган матолардан тай-

ёрланмоқда. Бу, ўз навбатида, ушбу либосларнинг хусусиятларини яхшилаб, шакли ва зарур санитария-гигиена кўрсаткичларини сақлаб қолишга ёрдам беради.

Айни пайтда қизлар учун мўлжалланган бежирим спорт кийимларини ишлаб чиқаришга тайёргарлик ишлари низоҳасига етказилди. Дизайнерлар аъёнани нақшлар ва бошқа безак элементларидан фойдаланиб, мато ва ранг уйғунлигини таъминлаган ҳолда янги либослар коллекциясида болалар ва ўсмирларнинг турмуш тарзи, дунёқараш ҳамда феъл-атвориини акс эттиришга алоҳида эътибор қаратди. Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси «Ўзтекс-Чирчиқ» қўшма корхонаси билан ана шундай спорт либосларини ишлаб чиқариш тўғрисида шартнома тузди.

«Ўзбекенгилсаноат» давлат акциядорлик компаниясининг тикуччилик-трикотаж ишлаб чиқариш ривожлантириш бошқармаси бошлиғи Қажорбек Мўйиновнинг таъкидлашича, бунинг учун «Ўзтекс-Чирчиқ»

қўшма корхонаси танлангани бежиз эмас. Мазкур корхона юқори технологияли ишлаб чиқариш ускуналари, ўзининг физика-кимё таъриб лабораториясига эга. Бу ерда либос ишлаб чиқариш учун фойдаланиладиган барча материаллар ҳар томонлама сифат назоратидан ўтказилади. Ишлаб чиқарувчилар ва дизайнерларнинг яқин ҳамкорлиги самарасида миллий ранглар уйғунлиги ва Европанинг замонавий мода аъёналарини ўзига муассам этган тайёр маҳсулотлар рангининг ёрқинлиги билан ажралиб туради.

Ушбу корхона яқин кунларда махсулотни Болалар спортини ривожлантириш жамғармасига етказиб беради ва янги, бежирим спорт кийимлари қизларга совға сифатида тақдим этилади. Қизлар, шубҳасиз, бу либосларнинг фахр билан кийиб юради. Давлатимиз раҳбарининг совғаси қизларнинг айримларини катта спортга даъват этса, бошқалари учун спортда катта ғалабалар сари рағбатдир. Буларнинг барчаси мустақил Ўзбекистонда Ватанимиз тараққиёти ва фаровонлиги учун ўз масъулиятини тегаран англайдиган ёшларга нечоғли катта эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилаётганининг тасдиғидир.

**Меҳрибон МАМЕТОВА,
ЎЗА мухбири**

Қарор ва ижро

АРХИВЛАР ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида бўлиб ўтган матбуот анжумани «Архивларда ва идоравий архивларда кадрлар масаласи: муаммо ва ечимлар» масаласига бағишланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Ўзархив» агентлиги томонидан ташкил этилган тадбирда юртимиздаги марказий давлат архивлари, пойтахтимиз ва вилоят архив ишлари бошқармаларининг етук мутахассислари, журналистлар, Ўзбекистон Миллий университети ўқитувчилари ва талабалари иштирок этди.

Бевосита мулоқотда соҳадаги кадрлар масалаларига оид мавжуд муаммолар ва уларнинг ечимини топиш бўйича ҳамкорликда амалга ошириладиган тадбирлар самарадорлигини янада ошириш масалалари, ечимини кутаётган муаммолар масалалар юзасидан фикр юритилди.

Айтиш керакки, давлат ва идора архивлари ходимларининг мустаҳкам билим, малака ва қўнимкага эга бўлиши архив ишлари ривожлантиришининг

асосий воситаларидан биридир. Мамлакатимизда архившунослик, иш юритиш соҳалари мутахассисларини тайёрлаш ва қайта тайёрлашнинг самаралар тизими яратилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 26 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида архив ишлари янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»-ги қарори бу борада муҳим дастуруламал бўлмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган 102 та давлат архивларида 1,2 минг нафар ходимлар фаолият юритмоқда, — дейди «Ўзархив» агентлиги бош директори ўринбосари Д. Қўчқорова. — Ходимлар малакасини ошириш борасида 2006 йилдан бери марказий давлат архивлари ҳузурида «Идора архивлари фаолиятини

ташқил этиш асослари», «Иш юритишнинг замонавий асослари ва маданияти» йўналишларидаги ўқув курслари иш олиб бормоқда. Ушбу курсларда архив ташкилотларининг бир неча мингдан зиёд ходимлари ва иш юритувчилари ўз малакасини оширади. Ўқув жараёнида идора архивлари ходимлари архив ҳужжатлари билан ишлаш қўнимкасига эга бўлмоқда, уларни тўғри жамлаш, ҳисобга олиш ва фойдаланишни ўрганиб, соҳага тааллуқли сўнгги меъёрий ҳужжатлар билан танишмоқда.

Анжуманда соҳага ёш ва фаол мутахассисларни жалб қилиш борасида изчил ва самарали ишлар амалга оширилаётгани қайд этилди. Бинобарин, кейинги йилларда архивларда мутахассислар сони 2,5 баробар кўпайди. Бу борада 28 та ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаси ва учта олий ўқув юрти билан мустаҳкам алоқалар йўлга қўйилган бўлиб, ушбу ўқув муассасаларининг битирувчилари юртимиз архивларида иш олиб бормоқда. Шунингдек, «Ўзархив» агентлиги веб сайти базасида масофавий ўқитиш тизими ишлаб чиқилиб, бугунги кунда синовдан ўтказилмоқда.

«Ўзархив» агентлиги томонидан мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш борасидаги ишларнинг изчил олиб борилаётгани мамлакатимизда архив ишлари янада такомиллаштириш имконини беради.

Тадбирда журналистлар ва талабалар ўзларини қизиқтирган барча саволларига мутахассислар томонидан батафсил жавоб олдилар.

Гулчехра ДУРДИЕВА

ЁШЛАР ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

Тошкентда Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси «Ёш адолатчилар» қанотининг конференцияси бўлиб ўтди.

Тадбирда партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, «Камолат» ёшлар ижтимоий ҳаракати фаоллари, «Ёш адолатчилар» қаноти етакчилари ва бошқалар иштирок этди.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси аъзоларининг 42,1 фоизини ёшлар ташкил этади. Айнан шундай ёшлар ташаббуси билан ўтган йили 500 дан ортиқ тадбирлар ташкил этилган. Бундай урашувлар ёшларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимини ва фаоллигини оширишга қаратилган тизимли ўқув ишларини ташкил этиш, мамлакатда ва дунёда содир бўлаётган янгиликларга бўлган муносабатни шакллантириш, жамоатчилик ишларида ташаббускорлик кўрсата олиш қобилиятига эга ёшларни аниқлаш имконини берди. Конференцияда «Ёш адолатчилар» қаноти ва унинг барча ҳудудий бўлинмалари томонидан ўтган йилда амалга оширилган ишлар, эришилган ютуқлар, камчиликлар ва истиқболдаги режалар атрофлича муҳокама қилинди.

Тадбир давомида «Ёш адолатчилар» қаноти томонидан бажарилиши лозим бўлган ишлар ҳақида ҳам сўз юритилиб, айниқса ёшлар билан ишлашда ижтимоий шериклик тамойилини кучайтириш зарурлиги таъкидланди. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси, «Камолат» ЁИХ, Инновацион технологиялар маркази, Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси каби жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликни янада кенгайтириш муҳимлиги ҳақидаги фикрлар билдирилди.

Конференция сўнггида «Ёш адолатчилар» қанотининг ҳисобот давридаги фаолияти ҳамда 2014 йилга мўлжалланган дастурий режаларидан келиб чиқадиган тегишли қарорлар қабул қилинди.

Зиёда РАСУЛОВА

МУРУВВАТ ЁРДАМИ КЎРСАТИЛДИ

«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фондининг мажлислар залида USAID халқаро ташкилотининг «Тинчлик йўлидаги озиқ-овқат ёрдами» дастури доирасида АҚШнинг «Resource and Policy Exchange» халқаро ташкилоти томонидан келтирилган, тиббий ва ижтимоий муассасаларга мўлжалланган витаминлар билан бойитилган қуритилган сабзавот шўрвасининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, Соғлиқни сақлаш, Халқ таълими, Ташқи ишлар вазирликлари вакиллари, АҚШнинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Жорж Крол, шунингдек, Республика пульмонология ва фтизиатрия илмий-амалий маркази ходимлари иштирок этдилар.

«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди мурувват йўналишида хайрия тадбирларини амалга ошириш, Давлат дастурларининг ижросини таъминлаш мақсадида республикамиздаги тиббий-ижтимоий муассасалар, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари, Меҳрибонлик, Мурувват ва Саховат уйлари, махсус мактаб-интернатлари тарбияланувчиларини қўллаб-қувватлаш учун дори-дармон, тиббиёт жихозлари, санитария-гигиена воситалари, жихоз-кечак, озиқ-овқат, ногиронлик аравчалари, спорт инвентарларидан иборат мурувват ёрдамларини топшириб келмоқда.

Жорий йил давомида «Соғлом авлод учун» фондига халқаро ҳамкор ташкилотлар томонидан дори-дармон, тиббиёт анжомлари, мултивитами́н, ногиронлик аравчалари, витаминлаштирилган сабзавот аралашмаси кўринишидаги мурувват ёрдамлари келтирилмоқда. Ушбу мурувват ёрдамлари жамғарманинг минтақавий филиаллари, ҳудудий соғлиқни сақлаш бошқармалари орқали республикамиздаги тиббий ва махсус болалар муассасаларига тақдим этилди.

Мазкур хайри ишларни давом эттириш мақсадида, фонд ҳамкор халқаро ташкилотлар билан биргаликда бир қатор лойиҳаларни амалга оширмоқда. USAID халқаро ташкилотининг «Тинчлик йўлидаги озиқ-овқат ёрдами» дастури доирасида келтирилган қуритилган сабзавот шўрваси умумий қиймати 311 833,7 АҚШ долларига тенг бўлган 112,5 та витаминлар билан бойитилган. Маълумот ўрнида айтиб ўтиш лозимки, ўтган йили ушбу халқаро ташкилотдан умумий қиймати 306 317 АҚШ долларига тенг бўлган 112,5 та витаминлар билан бойитилган қуритилган сабзавот шўрваси қабул қилиниб, 97 та тиббий ва ижтимоий муассасаларига топширилган.

Фонд «Resource and Policy Exchange» халқаро ташкилоти билан 2009 йилдан бери ҳамкорликда бир қатор лойиҳаларни амалга ошириб келмоқда. Ушбу мурувват юки Фонд ва унинг ҳудудий филиаллари ҳамда соғлиқни сақлаш тизими ташкилотлари орқали республикамиздаги 107 та тиббий ва ижтимоий муассасаларига тарқатилади.

**Дилшод РЎЗИКУЛОВ,
ЎЗДЖТУ халқаро журналистика
факультети талабаси**

(Давоми. Боши 1-бетда)

Юртимизда амалга оширилаётган буюк бунёдкорлик ишларининг махсули сифатида замонавий қиёфа касб этган мазкур қадамжо Ўзбекистонда инсон шакли ва қадр-қиммати олий қадрият даражасига кўтарилганининг ақол ифодасидир. Музейнинг ўтмишининг қора кунлари, аини пайтда истиқлол шукруи ва бу неъматга эришиш йўлида чекилган заҳматлари ўзида акс эттирган ранг-баранг экспонатларида ибратли тарих ҳақиқати муҳассам.

Мана, шохқўчанинг яна бир диққатга сазовор жойида турибман. Бўсув каналдан эсаётган шабада, кўча бўйидаги «Аqua park»-дан келаётган болаларнинг шўх-шодон қийқириқлари кишига ажиб кўтаринкилик бахш этади. Бу жойдан юзлаб маротаба ўтган бўлсам-да, ҳар гал жаннатмонанд дийрга тушиб қолгандек сезаман ўзимни. Зотан, ҳар кундан уйдан ишга, ишдан уйга ошқарканмиз, йўл бўйи қилиниши зарур юмушлар ҳақида ўйлаймиз, бошимизда турфа ҳаёллар кезади. Шахримизда бўлаётган улкан бунёдкорлик ишларини кўп ҳам илғай-вермаймиз.

Кўча бўйлаб салобат тўкиб турган «International Hotel Tashkent» меҳмонхонаси, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки биноси, Халқаро бизнес маркази ҳамда «Тошкент плаза» савдо маркази, теннис кортлари, ёпиқ сув ҳавзаларини ўз ичига олган ноёб спорт мажмуаси ўзаро мутаносиб жойлашган.

Ана, самога бўй чўзган Тошкент телеминораси, мухташам «Radisson SAS Tashkent» меҳмонхонаси, бетакор фавворалар... Шаҳар инфратузилмасига кўрқ бағишлаган, аҳоли ва транспорт воситаларининг ҳаракатланиши учун янада қулайлик яратган улкан кўприк... Бир-бирини тақдорламайдиган лойиҳалар асосида барпо этилган, аини пайтда ҳар бири атрофдаги бинолар билан уйғунлик ҳосил қилган бунёдкорлик обидалари...

Муस्ताқиллик йилларида Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг кўламли ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишлари самарасида мамлакатимизнинг барча ҳудудлари каби Тошкент шаҳри ҳам бекиёс даражада ўзгариб, кўркамлашиб бораётди. Пойтахтимизнинг меъморий қиёфаси ўзининг тарихий жозибасини сақлаган ҳолда янгилашиб, узқоқни қўзлаб тузилган режа асосида изчил ривожланмоқда. Миллий меъморлик ва замонавий архитектура аъёнчаларини ўзида муҳассам этган мухташам иншоотлар, тураржойлар, замонавий технологиялар билан жиҳозланган корхоналар, янги таълим ва шифо масканлари, кенг кўча ва проспектарлар, кўприklar, сўлим бог ва хиёбонлар барпо этилмоқда. Замонавий шаҳарсозлиқнинг энг юксак талаблари асосида қурилган Муқталик майдони, «Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройи, Симпозиумлар саройи ва Алишер Навоий номидаги Миллий кутубхона ўзи ичига олган Маърифат маркази, «Бунёдкорлик» мажмуаси сингари кўп объектлар мазкур йўналишдаги ишларнинг ёрқин намоёнидир.

Беихтир улуг бобокалонимизнинг Шаҳрисабзда қад ростлаган Оқсарой пештоқиға ёзилган «Агар бизнинг қудратимизга шубҳа қилсанг, биз қудридан иморатларга боқ!» деган сўзлари ёдга тушади. Бу сўзлар Соҳибқироннинг ҳар бир меъморлик намунаси мамлакат куч-қудрати, халқнинг бирлигини ўзида ифода этишини чуқур ҳис қилганини англатади.

...Тошкент молия институтининг замонавий биноси Амир Темури шохқўчасига

янада кўрқ бериб турибди. Институтда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини бемалол бошқарётган, озода қийинган, юзида мамнунлик, ўзига ва порлоқ келажагига қомил ишонч балққан йигит-қизларни кўриб, эртанимиз билимли, доно ва албатта бахтли ёшлар қўлида эканига ишонч ҳосил қиламиз.

— Деярли ҳар кунни Амир Темури шохқўчасидан ўқишга қатнайман. Кўча бўйлаб улуг бобокалонимиз руҳи кезаётгандек, биз, авлодларини қўллаб-қувватлаб тургандек туюлаверади, — дейди Тошкент молия институти талабаси Камолитдин Маҳмудов. — Бу ҳис ушбу кўчада жойлашган ахборот технологиялари университети, автомобил ва йўллар институти ва бошқа турли таълим муассасаларида таҳсил олаётган барча тенгдошларимга ҳам буюк аждодимизга муносиб ворис бўлиш масъулиятини юклайди.

...Кўча бўйлаб арча, эман, қайин, турли бута ва гуллар батариб экилган. Бир-биридан кўрқам супермаркетлар, шинаман маиший хизмат объектларидан ўтган, қундан-қун мегаполисга айланиб бораётган шахримиз бағридаги мўъжаз табиий манзарага кўзингиз тушади. Ям-яшил майсазор, хумлар асрий анъаналаримиздан



ли давлатларидан келаётган сайёҳлар оқими янада кўпайишида алоҳида аҳамият касб этмоқда.

МИЛЛАТ ҚУДРАТИНИНГ ТИМСОЛИ

сўзлаб, она табиятимиз гўзаллигини намоён этиб тургандек.

— Ёшлигимиз мана шу жойларда ўтган. Илгари бу кўчанинг ҳар икки томони эски ҳовиллардан иборат эди, — дейди Юнусобод туманида яшовчи оқсоқол Шорасул Шомухамедов. — Бу ердан кўриниб турган сойлик қаровсиз ётар, турли ҳашаротларнинг макони эди. Шаҳар марказидаги бундай кўримсиз ва бебайиш манзара одамнинг руҳиятига салбий таъсир кўрсатмай қолмасди, албатта. Бугун биз кўриб турган кенг, раво кўча, унга туташ ҳудудлардаги манзара худди тушга ўхшайди. Истиқлол йилларида шахримизда амалга оширилган бекиёс бунёдкорлик ишлари аҳолининг яшаши, меҳнат қилиши, дам олиши, маданий ҳордик чиқариши учун барча қулайликларни яратди. Энг муҳими, одамларнинг қайфиятини, дунёқарошини бутунлай ўзгартириб юборди.

— Кўча бўйида ландшафт дизайни асосида барпо этилган мўъжаз ҳудуд йўловчилар ва шаҳар аҳолисига кўтаринки қайфият бағишлайди, — суҳбатга қўшилади архитектор Хулқар Бурхонава. — Инсон тафаккури, меҳнат ва табиат уйғунлиги махсули бўлган ландшафт архитектураси ижодий фаолиятнинг кенг миқёсдаги тармоғидир. Уларни барпо этишда табиий материаллар — ер, сув, ўсимликлардан фойдаланилган, бу экологик муҳитни соғломлаштиришга хизмат қилади.

Дарҳақиқат, авваллари пойтахтимизнинг аксарият хиёбонлари бетон ва асфальтдан иборат бўлиб, ёзинг жазирасида нафас олиш оғирлашарди. Кейинги йилларда кўча ва майдонларда яшил ҳудудларни кенгайтириш борасида катта ҳаёвдаги ишлар бажарилди. Каштан, қарағай, арча, эман, қайин каби ҳавони тозаловчи ва кислород билан бойитувчи дархатлар, турли бута ва гуллар экилиши натижасида шахримиз қиёфаси тубдан ўзгарди. Бу пойтахтимизга дунёнинг тур-

Шу кўчадаги «Олой дехқон бозори» жохон андозалари асосида таъмирланган бўлиб, у доимо харидорлар билан гавжум.

— Илгари дўконларнинг ташқи қўриниши, харидорлар учун мўлжалланган йўлқаларга бетартиб қўйиб ташланган махсулотлар бозорнинг умумий қиёфасини бузиб турарди, — дейди сотувчи Мавлуда Искандарова. — Ҳозир манзара тамоман ўзгарган. Савдо расталари ривожланган давлатларникидан ортиқ бўлса ортиқки, кам жойи йўқ. Қирган одамнинг баҳри дили очилади. Автомашиналар қўйиш учун алоҳида жой ажратилган. Буларнинг ҳаммаси одамларимизнинг ҳаёт тарзи, жумладан, савдо маданияти юксалётганидан далолатдир.

«Dedeman Silk Road», «City Hotel» меҳмонхоналари, янгидан реконструкция қилинган Тошкент давлат юридик университети биноси, Темурийлар тарихи давлат музейидан ўтиб, Амир Темури хиёбонига чиқамиз.

Соким ва нақадаф файзли хиёбон! Озода ва кўрқам йўлакчалар хиёбон марказида салобат-ла турган Амир Темури хайкали пойга элтади. Отади виқор билан ўтирган ҳукмдор жанговар кийимда, гўё зафарли юришдан қайтмоқда. Чап қўли билан от жоловини маҳкам тутгани, ўнг қўлини кўк узра даст қўтариб олам аҳлини аҳилликка, адолатга қорлаётганини, нигоҳлари қатъият-ла боққанидан унинг енгилмас саркарда ва инсон сифатидаги фазилатларини, ички дунёси ва кечинмалари унинг ўқиш мумкин. Хайкал тағриқларида Соҳибқирон салтанатида ахлоқий ва маънавий мезонга айланган «Куч — адолатдадир» шioriининг тўрт тилда ёзиб қўйилгани бу борадаги фикрларимизни янада ойдинлаштиради.

Олдин ушбу хайкал ўрнида қимларнинг хайкали қўйилмаган дейсиз. Уларнинг биронтаси шахримизга ҳам, юрти-

мизга ҳам келмаган, орқаворотдан «улуг дохий»ларнинг соясига салом бериб юрганмиз. Давр шунақа, тузум шунақа бўлган. Ниҳоят истиқлол тўғайли, Президентимиз ташаббуси ва фидойилиги натижасида хиёбоннинг ҳақиқий эгаси «кайитиб келди». 1993 йили Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан миллатимиз ифтихори, муқтақиллик ва озолиқ тимсоли — Амир Темурининг улугвор хайкали қад ростлади.

Хиёбонда кўллаб бунёдкорлик, кўкаламзорлаштириш ишлари олиб борилади. Эски дархатлар ўрнини табиий иқлим шароитига мос манзарали дархатлар, гул ва буталар эгаллади. Кўрқам фаввора ва йўлакчалар қурилади. Бугун хиёбон замонавий қиёфада. Ўзаро уйғун бунёд этилган «Ўзбекистон» меҳмонхонаси, «Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройи, Тошкент куранти миноралари ажиб композиция ҳосил қилган.

Хайкал қаршисидаги ўриндиққа ўтириб, чор-атрофга боқаман. Набираларини етаклаган қайвони онахонлар, қўл ушлашган болақайлар, китоб мўлаасига шўнган талабалар... Уларнинг гулгун чехрасида бугунги тинч, дорилмон қунлардан шукроналик, ўзаро меҳр-оқибат, аждодлари сиймосидан гурур ва уларга муносиб бўлишдек масъулият туйғулари балқиб турибди.

Давлатимиз раҳбари Амир Темури хайкалининг очилишига бағишланган тантананда бундай деган: «Мамлакатимизнинг марказида, қадимий ва гўзал пойтахтимиз — жонахон Тошкентимиз ўртасида қад кўтарган улуг бобимиз сиймоси халқимизга фахр ва гурур бахш этмоғи мумкин! Бу сиймо мард, танти, ҳалол ва ғайратли халқимизни бирлаштиришда, жиҳслаганида, иймон-оқибатли бўлишда, қудратли келажагимизни қуришда бизга янги-янги кўч-қувват ва шижоат бағишлайди».

...Менга олам-олам таассуротлар ҳаёда этган кўча бўйлаб орта — уйга қайтаман. Йўл бўйи тилу дилмада жозиб, қўйма сатрлар тинмай айналади:

**Бир султони Худо юртга қараб бергай,
Олам аҳли сўнг у юртга тараф бергай,
Абадият қадар унга шараф бергай,
Шараф-шони рўйи жохон юрт бўлди бу.**

**Дилшод КАРИМОВ,
ЎЗА МУХБИРИ**

...Болаларни кичик гуруҳларга бўлган ҳолда дарс бошланади. Улар уй вазифасига оид саволларга баралла жавоб қайтаради. Сўнгра «Ўзбекистон — озода ва обод дийёр» мавзуси қизиқарли машғулот тарзида тушунтирилади. Ватанимиз пойтахти, иқлими, аждодларимиз, уларнинг бой маънавий мероси ҳақида фотосуратлар, рангли плакатлар, қисқа метражли видеофильм ёрдамида кенг ва атрофлича маълумот берилади. Мавзунини қандай ўзлаштирилганини аниқлаш мақсадида муаллими ўқувчиларнинг дастлабки таассуротлари билан қизиқади. Фаол ўқувчилар гуруҳи партасида рағбат белгиси — мовий рангли, яшил байроқчалар кўпая бошлади. Бошқа гуруҳлар ҳам улардан қўлишмасликка астойдил интилади...

Пойтахтимизнинг Яқкасарой туманидаги 144-умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчиси, «Шуҳрат» медали соҳибаси Машрабхон Умарова ўн беш йилдан буён бошланғич синфларга сабоқ беради. У болалардаги умумтаълим фанлари бўйича дастлабки, аини дамда мустаҳкам билим ва тушунчалар, меҳнатсеварлик, ватанпарварлик, ҳалоллик, ўзгалар ютуғидан қувониш фазилатларининг шаклланиши, касбларга оид тасаввурлар ҳам ўқитишнинг ушбу бўғинида юзага келишини яхши билади.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида таълим соҳасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар жараёнида 12 йиллик узлуксиз таълимнинг дастликлари ва муҳим бўғини саналган бошланғич таълимни сифат ва мазмун жиҳатдан тақомиллаштириш, уни янги босқичга кўтариш масаласига устувор вазифа сифатида эътибор қаратишмоқда.

Ушбу босқичда ҳар бир предмет бўйича режа ва дастурлар ўқувчиларнинг иқтидори, интеллектуал салоҳиятини тўлақоли намоён этишига имкон яратиш, ижодий, муқтақил ва соғлом фикрлаш қобилиятини шакллантириш, уни янада ривожлантириш асосида ишлаб чиқилган. Синф жиҳозлари, мебеллар, кўргазмалар услубий воситалар, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ҳам ўқитишнинг мазкур бўғинига қўйиладиган меъёрлар, ўқувчиларнинг ёши, психологик ҳолати, дунёқароши, санитария ва гигиена, экологик талаб ва мезонлар асосида яратилиб, мактабларга етказилмоқда.

Мамлакатимизда ҳар йили 1-синф ўқувчилари учун дарсликлар, сумка ва 12 турдаги ўқув анжомлари Президент совғаси сифатида топширилиши яхши аънаанага айланган. Шунингдек, бошланғич синфда билим олаётган эҳтиёждан оидлар фарзандлари кийим-кечак, пойабзал билан мунтазам тарзда таъминланмоқда. Буларнинг барчаси болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш билан бирга уларнинг билим олишга бўлган иштиёқининг ортишида муҳим омил бўлмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2005 йил 25 ноябрдаги «Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини тақомиллаштириш ва уни моддий рағбатлантириш кўчаиштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори тизимдаги ишларни давр талабига мос тарзда йўлга қўйиш, истейодли, ўз касбига содиқ педагоглари, шу жумладан, бошланғич таълим ўқитувчи-

ларини моддий қўллаб-қувватлашнинг сифат жиҳатдан янги механизмининг жорий этиш имконини бермоқда. Унга кўра ўқитувчилар меҳнатига ҳақ тўлашнинг ҳолис ва ошқора механизми жорий этилиди, устама ва қўшимча ҳақ янада тақомиллаштирилади. Шарафли ва аини пайтда машаққатли меҳнатни рағбатлантиришда имтиёзлар яратилиди.

Бундай эътибор ёшларда таълимнинг ушбу йўналишига бўлган қизиқиш ва эътиборнинг тобора ортишида асосий омил бўлмоқда. Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида ҳар йили бошланғич таълим йўналиши бўйича абитуриентлардан энг кўп ҳужжат келиб тушаётгани ёшларнинг мазкур соҳага бўлган қизиқиши йил сайин ортиб бораётганининг ёрқин ифодасидир.

Таълимнинг ушбу бўғинига оид энг мақбул педагогик технологиялар, ўқитиш услубларини кенг жорий этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан «Устоз-шогирд» мактаби, «Ўрган — ўргат!» каби маърифий лойиҳалар амалиётга жорий этилмоқда. Бу илғор иш тажрибасининг тобора оммалашуви, билим бериш сифати ва самарадорлигининг юксалишига, изланувчан, ишга ижодий ёндашадиган, фаол, ташаббускор ўқитувчилар сафининг янада кенгайишига хизмат қилмоқда.

— Бошланғич синфларга таълим бериш ўқитувчилардан ўзига хос билим ва масъулият, алоҳида меҳр ва

психологик ёндашуви талаб этади, — дейди Сергели туманидаги 300-умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчиси Малика Носирова. — Негаки, болалар биринчи синфга айнан мактабга таълим муассасаларидан, айримлари эса оилавий муҳитдан келади. Гарчи боғчада саводхонлик, расм, математика, чет тиллар, музика, жисмоний тарбия бўйича илк кўникмалар, тушунчалар улар онгига сингдирилган бўлса-да, қирқ беш дақиқалик дарс жараёни, мактабдаги умумий тартиб-интизом, ўқув жамоасидаги мулоқотга, муқтақил тарзда изланишга ўргатиш бошланғич таълим ўқитувчиларидан катта маҳорати, ишга чуқур ижодий ёндашуви, болалар руҳий ҳолатининг билимдони бўлиши талаб этади.

«Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» республика кўрик-танловида иккинчи ўринга сазовор бўлган Малика Носирова барча дарс жараёнида «Ўқувчилар билан яқна тартибда ишлаш», «Ақлий ҳужум» каби илғор ўқитиш усулларини қўллаш билан бирга интерфаол доска, компьютер технологияларидан ҳам самарали фойдаланмоқда. Буларнинг барчаси ўқувчиларда билимларни тез ўзлаштириш, маълумотларни ёдда сақлаш қобилиятини тобора кучайтиришда алоҳида аҳамият касб этади.

— Соҳадаги ислохотлар таълим-тарбиянинг ўзаро уйғунлиги, халқимизнинг эзгу орзу-интилишлари, миллий менталитетига

ҳамоҳанглиги боис халқаро миқёсда тобора кўпроқ эътироф этилмоқда, — дейди ЎЗА мухбирига илғор педагоглardan яна бири, Андижон туманидаги 25-умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчиси Шоҳидохон Розикова. — Бугунги замон муаллимлар зиммасига билим бериш билан бирга навқирон авлодда муқтақил тафаккурни, юксак маънавиятни шакллантиришдек мураккаб, аини чоғда шарафли масъулиятни юклаганмоқда. Шу боис бола мактабга келган қундан бошлаб барча дарслар давомида, аввало, мурғак қалб соҳибларининг онгига ўзи тугилиб, камолга етаётган юртдан фахрланиш, халқимизга, буюк аждодларимизга, яратилаётган имкониятларга муносиблик, тинч-осойишта ҳаётимизнинг қадрига етиш каби энг муқаддас ғояларни оддий, самимий тилда, таъсирчан тарзда тушунтиришга ҳаракат қиламиз.

Дарҳақиқат, бошланғич синфлардаги «Ватан туйғуси», «Одобнома» «Атрофимиздаги олам», «Ўқиш», «Она тили», «Табиатшунослик» бўйича ўқув предметлари, чет тилларини ўрганиш, расм, музика, жисмоний тарбияга оид барча дарслар жараёнида ҳам ана шу ёндашуви кузатиш мумкин. Булар ёш авлодни ҳар жиҳатдан билимли, теран тафаккурли, дунёда ҳеч қимдан кам бўлмаган инсонлар этиб камолга етказиш борасида кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликнинг амалдаги ёрқин ифодасидир.

Назозат УСМОНОВА

ДАВР БИЛАН ҲАМОҲАНГ

Халқимизнинг маънавий бойликларининг маълум қисми XXI асрда ҳам жуда яхши сақланиб келинмоқда. Бунда маданий-маърифий муассасаларнинг таркибий қисми бўлган ахборот-ресурс марказлари (кутубхона)нинг ўрни бекиёсдир. Чунки кутубхона — китоблар ва кишилик жамияти тарихи мажмуидир. Кутубхоналарда инсоният эришган барча илмлар, турли фан соҳалари бўйича китоблар тўпланган.

Ахборот-ресурс марказлари (кутубхона) ходимларининг давр талабларига тўла жавоб бера оладиган юқори малакали, кенг ва чуқур билимли мутахассис сифатида муқтақил ижодий фаолият кўрсата оладиган кадрлар бўлиб етишишига, китобхоналарга фаол муносабатда бўлишга, касб йўналишида олий мақсадларга хизмат қилишини таъминлашга эришиш бугунги кутубхона услубчиларининг олдида қўйган муҳим мақсадларидан биридир. Бунинг учун ахборот-ресурс марказлари борасида янги йўналишларни назарий ва амалий жиҳатдан йўлга қўйиш, маънавий-маърифий ишларга кенг қамровли равишда етарлича эътибор бериш керак. Шу нуқтаи назардан ТДТУ ахборот-ресурс марказларида ҳам иш унмдорлигини ошириш мақсадида юксак савияли, профессионал кутубхоначилар фаолият кўрсатишини назарда тутиб, турли тадбирлар, маърузалар ва дастурлар ишлаб чиқилмоқда. АРМда китоб фондини жамлаш, китобларга илмий ва техник ишлов бериш мақсадида, маълумот-библиография, ўқув ва илмий адабиётлар, бадиий адабиётлар каби бўлимлар фаолият кўрсатиб келмоқда. АРМ (кутубхона) ходимлари бир-бирларининг иш ўринларини тўлдирдишлари ва малакаларини ошириш ишлари мақсадида 2014 йилни янги таклиф ва талаблар, янги ғоялар асосида бошлади. АРМ (кутубхона) ходимлари ўз касбини пухта эгаллашлари, келгусида профессионал кутубхоначи даражасида иш юриштишлари учун белгиланган муддат давомида ҳар бир бўлимда алмашиб ишлаш йўлга қўйилди. Амалий фаолият билан боғлиқ бўлган АРМ (кутубхона) ишларини ҳал этишда ақл, зеҳн, саводхонлигини ошириш таъминланади. Бинобарин, ишга қизиқишни сусайтирмаслик учун иш турларини кераклигича ўзгартириб туриш лозим. Бу усулдаги асосий вазифалардан яна бири, иш унмдорлигини ривожлантириш, бирлигини таъминлашдир. Бироқ, бу аснода яна бир муҳим вазифани ҳам ҳал этиш имконияти кўзга ташланади. Бу фаолиятга дахлдор ишлар ва қобилиятни аниқлаш, ўстириш ва ҳисобга олишдир. Кутубхоначилик — бу китобхоналарга китоб бериш ва қабул қилиш, деган фикрда қотиб қолмаслик керак. АРМ (кутубхона) раҳбари кутубхоначиларнинг муқтақил равишдаги фаолиятларига раҳбарлик қилиш тажрибаси асосида уларнинг малакавий савиясини, саводхонлигини оширишга лозим. Бу борада зарурий маълумотларни алоҳида эътибор билан танлашга тўғри келади ва аниқ ишлаб чиқилган назария узок муддатга, иш самардорлигининг ошишига хизмат қилади.

Ишхонада осойишта вазиятни вужудга келтириш, самимийлик ва ўзаро ёрдам, жамонавий ҳисси — бу ҳам иш жараёнидаги ютуқларнинг зарур элементларидир. АРМ (кутубхона) ишларида кутубхоначиларнинг хато ва камчиликларини топиш эмас, энг кичик бўлса-да, ютуқ ва зафарларни пайқаб, рағбатлантиришга эътибор қаратиш керак.

Вақт шийдат билан ўтмоқда. Таълим-тарбия ва иш жараёни усуллари борган сари мураккаблашиб бораверади. Аммо биз уни дадилроқ ва ишончлироқ идрок эта бошлаймиз: бизда ишончли тажриба ва назария бор. Биз ва буюк устозлар яратган бу назариялар — келажак пойдеворидир.

Моҳира ШОДМОНҚУЛОВА,
Тошкент давлат Техника университети
Ахборот-ресурс маркази бўлими бошлиғи

АЛЛА СЕҲРИ

Меҳр булоғидан яралган самимий туйғулар одамзотни доимо эзгуликка, яхшиликка ва албатта, бахтга интилиб яшашига ундайди. Бахт эса, санъат билан тирик, музика билан қадридир.

Санъат деб аталмиш ажиб гулшан, меҳру муҳаббатга ошуфта дилларни ижод завқи берган бахт наҳидаси билан сийлайди ва умрбоқий музсий лаҳзаларни тўхфа этади. Инсон бир умр музика билан ҳамнафас, музсий дард, музсий орзу, музсий қувонч ва музсий қайғу каби эҳтиросли туйғулар оғушида ҳаёт кечиради.

Хатто, эндиғина дунёга келган гўдак ҳам бутун вужуд ва бор овози билан ҳаётга ҳамда бу ёруғ дунёга бўлган муҳаббатини йигирсидаги ажиб ва ёқимли музика билан изҳор этади, гўё! Она алласича? Ҳеч эътибор берганмисиз, алла айтаётган онанинг меҳри нигоҳларида нафис музиканинг дилларга яқин, кўнгилларга манзур ноласи уфуриб туради ҳамда бу сеҳрли маҳзун музикани тинглаганимизда, кўзлар ёшланади.

Ҳа, бу қувонч ёшларидир. Ҳақиқий музика инсонни нафақат қулдиришга, балки кўз ёши тўкишга ҳам мажбур қилади. Лекин музика, фақат ва фақат — бахтдан, қувончдан йилғатади!

Гулмира НОРМУМИНОВА,
Ўзбекистон Давлат консерваторияси
талабаси



«Камолот»

ЁШЛАР ИЛМИЙ САЛОҲИЯТИНИ КЕНГАЙТИРИШ ЙЎЛИДА

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида «Китобсевар сардорлар» лойиҳаси доирасида тадбир бўлиб ўтди.

Ушбу тадбир Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш ҳамда ўсиб келаётган ёш авлоднинг китобга бўлган меҳрини ошириш мақсадида «Камолот» ЕИХ Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан ташкил этилди.

«Китобсевар сардорлар» лойиҳасининг бош мақсади сардорлар «Камолот» ЕИХда ижтимоий фаол бўлиш билан бир қаторда илмий салоҳиятларини кенгайтиришлари ҳамда бадиий ва бошқа китобларни мутлола қилишлари, кутубхонага аъзо бўлиш орқали бўш вақтларини мазмунли ташкил этишлари ҳамда ҳар бир сардор ўзи таълим оладиган масканнинг бошқа ўқувчиларини китобсеварликка жалб этишидир.

Халқаро болалар китоби куни доирасида ташкил этилган ушбу лойиҳада умумтаълим мактабларининг энг фаол «Камолот» ва «Камалак» сардорлари ҳамда «Сардорлар мактаби» тингловчилари иштирокида болаларнинг сеvimли адаби, Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Худойберди Тўхтабоев, филология фанлари номзоди Абдуғафур Расулов ва бошқа ижодкорлар билан ижодий учрашув ташкил этилди. Кутубхонага аъзо бўлган 110 нафардан ортиқ сардорлар адабиёт намоёндалари билан учрашиб, интеллектуал салоҳият, баркамол авлоднинг вояга етказишда китобнинг ўрни муҳимлиги ҳақида фикр-мулоҳазалар билан танишишди.

— Болалар адабиётининг чинакам жонқури билан ўқизилган ижодий учрашув менда катта таассурот қолдирди, — дейди Республика телевидение ва радио касб-

хунар коллежи талабаси Гулшаной Ҳайдарова. — Ёзувчининг «Сариқ девни миниб», «Беш болали йигитча», «Йиллар ва йўллар» ва бошқа кўплаб асарлари ўқувчи қалбига китобга бўлган қизиқишни оширади. Бу эса орамизда китобсеварлар сафининг кенгайишига хизмат қилади. «Камолот» ЕИХ томонидан ўтказиб келинаётган бундай тадбирлар бизга жуда асқотади. «Сардорлар мактаби»га аъзо бўлиш биздан янада билимли ва салоҳият соҳибига айланишимизни тақозо этади.

Ижодий учрашув доирасида «Болалар китоби дунёсига саёҳат» деб номланган китоб-расмий кўргазма ташкил этилди.

Тадбир меҳмонлари иштирокчиларнинг саволларига ўз ҳаётий тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда жавоблар беришди. Ўзига хос савол соҳибларига китоб совға қилинди.

Зарина РУСТАМОВА
Ислом Исмоилов олган сурат

Китоб ёшлар дунёқарашини бойитади. Унда турли хил маълумотлар мужассам бўлиб, ҳар бир саҳифасида ибратли, ҳикматли сўзларни ўқишимиз мумкин.

Тадбирлар

КИТОБ — БИЛИМ МАНБАИ

Учтепа туманидаги 228-умумтаълим мактабда «Фарзандимга китоб совға қиламан» мавзусида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими, Маънавий тарғибот маркази туман бўлими, «Шарқ зиё заковат», «Ўқитувчи», «Фафур Фулом» нашриёт-матбаа уйлари билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда тумандаги умумтаълим мактабларининг ўқувчи ва ўқитувчилари иштирок этишди.

Тадбирни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад ёшларнинг маънавий дунёқарашини ошириш, китоб совға қилиш орқали китобга бўлган қизиқишларини кучайтириш, ёш авлоднинг ҳар томонлама соғлом ўсиши ва ўқиб-ўрганиши учун уларга шарт-шароитлар яратиб беришдан иборат, — дейди туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими мутахассиси Севара Эрматова.

Шунингдек, тадбир давомида тумандаги 228, 283, 291, 203-умумтаълим мактаблари ўқувчилари иштирокида шеърӣ чикишлар, 14, 75, 109, 312, 295-умумтаълим мактаблари ўқувчилари томонидан тайёрланган «Донлар бисотидан» адабий композицияси, «Ракс гулдастаси» гуруҳининг ўзига хос чиқишлари йиғилганлар кўнглидан жой олди. Дарҳақиқат, маънавияти юксак, қалби пок, дунёқарашини кенг, ўз фикрини эркин баён эта оладиган ёшларимиз ҳамisha жамиятда ўз ўрнига эга бўлади.

Тадбир якунида китоблар кўргазмалари ва китоб савдоси ташкил этилди.

Ҳабиба ЙЎЛДОШЕВА

ДЎСТЛИК ВА ТИНЧЛИКНИ ТАРАННУМ ЭТАН

Ўзбекистон Давлат тарихи музейида Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари Кенгаши ва «Ўзбекистон — Иордания», «Ўзбекистон — Қирғизистон» дўстлик жамиятлари, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон Давлат тарихи музейи, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Тошкент шаҳар бўлими қошидаги «Қадрият» давраси ҳамкорлигида Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф таваллудининг 60 йиллигига бағишланган тадбир ўтказилди.

Дўстлик жамиятлари аъзолари, намунали маҳаллалар фаоллари шoirнинг фарзандлари ва шаҳарда фаолият кўрсатаётган турли ташкилотлар вакиллари иштирокида ўз ижодида Ватан, дўстлик ва тинчликни тараннум этган шoir ижодига бағишлаб ўтказилган адабий кечада Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Али Муҳаммад Юсуф ижоди ҳақида тўхталар экан, унинг мисраларида Ватанга бўлган сеvgи туйғуларини устувор эканлигини алоҳида таъкидлади.

Кеча давомида «Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармаси раиси А.Каримов, Ўзбекистон Давлат тарихи музейи директори Ж.Исмоилова, «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг Тошкент шаҳар бўлими қошидаги «Қадрият» давраси раиси шоира А.Азизова, шoirлардан Шарифа Салимова, Гулжамол Аскарвалар Муҳаммад Юсуф шеърларидан намуналар ўқиб, хотирасини ёд айладилар.

(Ўз мухбиримиз)

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«SHUKUR GRAND TRADE BUSINESS» МЧЖ бошлангич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибиде ўтказилаётган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога қўйидаги автотранспорт воситалари (мулклар) қўйилмоқда: 1. Қўйраб т. СИБ томонидан 10.03.2014 й. № 2984/9-сонли и.х.га асосан 1990 й. и.ч. «Ваз21063» д.р. 10Т233АА. Бошлангич баҳоси — 7817536 сўм. «Безкод Ягона сервис» ХКда сакланмоқда. 2. Қўйраб т. СИБ томонидан 20.06.2013 й. № 11223/8-сонли и.х.га асосан 1989 й. и.ч. «Камаз» д.р. N088NUM. Бошлангич баҳоси — 21362400 сўм. «Аргин Савдо» УКда сакланмоқда. 3. Зангиота т. СИБ томонидан № 1147/24-сонли и.х.га асосан 2011 й. и.ч. «Ласетти» д.р. 10088САА. Бошлангич баҳоси — 48376000 сўм. Зангиота тумани ИИБ ИХХБ жарима майдончасида сакланмоқда. 4. Зангиота т. СИБ томонидан № 4985/6-сонли и.х.га асосан «В700 русумли целлофан ишлаб чиқаришга мўлжалланган ускуна». Бошлангич баҳоси — 261087000 сўм. Зангиота тумани Туркистон қ.ф.й. мева-сабзавот базасида сакланмоқда. 5. Янгийўл т. СИБ томонидан 13.01.2014 й. № 321/21-сонли и.х.га асосан 1976 й. и.ч. «Занжирли Экскаватор» д.р. 52-66ЕР. Бошлангич баҳоси — 8360153 сўм. 6. Янгийўл т. СИБ томонидан 13.01.2014 й. № 321/21-сонли и.х.га асосан 1990 й. и.ч. «Краз255» д.р. 110238. Бошлангич баҳоси — 12371119 сўм. 7. Янгийўл т. СИБ томонидан 13.01.2014 й. № 321/21-сонли и.х.га асосан 1988 й. и.ч. «Краз256Б1» д.р. 11С3508. Бошлангич баҳоси — 6884164 сўм. 8. Янгийўл т. СИБ томонидан 13.01.2014 й. № 321/21-сонли и.х.га асосан 1990 й. и.ч. «Краз256Б1» д.р. 11Т3329. Бошлангич баҳоси — 13389917 сўм. 9. Янгийўл т. СИБ томонидан 13.01.2014 й. № 321/21-сонли и.х.га асосан 1973 й. и.ч. «ЗилММ3555» д.р. 105434ВА. Бошлангич баҳоси — 7927625 сўм. 10. Янгийўл т. СИБ томонидан 13.01.2014 й. № 321/21-сонли и.х.га асосан 1981 й. и.ч. «Камаз5511» д.р. 10С278ДА. Бошлангич баҳоси — 13240450 сўм. 11. Янгийўл т. СИБ томонидан 13.01.2014 й. № 321/21-сонли и.х.га асосан 1991 й. и.ч. «Камаз5511» д.р. 10С288ДА. Бошлангич баҳоси — 16666351 сўм. 12. Янгийўл т. СИБ томонидан 13.01.2014 й. № 321/21-сонли и.х.га асосан 1980 й. и.ч. «Камаз5511» д.р. 11Т1677. Бошлангич баҳоси — 13240450 сўм. 13. Янгийўл т. СИБ томонидан 13.01.2014 й. № 321/21-сонли и.х.га асосан 1985 й. и.ч. «ЗилММ35402» д.р. 10У286АА. Бошлангич баҳоси — 10592359 сўм. 14. Янгийўл т. СИБ томонидан 13.01.2014 й. № 321/21-сонли и.х.га асосан 1970 й. и.ч. «ЗилММ35402» д.р. 11У6698. Бошлангич баҳоси — 7220357 сўм. 15. Янгийўл т. СИБ томонидан 13.01.2014 й. № 321/21-сонли и.х.га асосан 1991 й. и.ч. «ЗилММ35402» д.р. 11С4700. Бошлангич баҳоси — 9730895 сўм. 16. Янгийўл т. СИБ томонидан 13.01.2014 й. № 321/21-сонли и.х.га асосан 1991 й. и.ч. «Занжирли бульдозер» д.р. 61-57ЕР. Бошлангич баҳоси — 17210908 сўм. 17. Янгийўл т. СИБ томонидан 13.01.2014 й. № 321/21-сонли и.х.га асосан 1987 й. и.ч. «Ер казгич» д.р. 80-43ЕМ. Бошлангич баҳоси — 23886150 сўм. «Дурдона Улкан Қурилиш» МЧЖда сакланмоқда. Аукцион савдоси 2014 йил 12 май куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Юридикли автотранспорт воситалари (мулклар) билан тегишли суд икхорчилири бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишига бир иш куни қолганда соат 16:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида катнашиш истагиде бўлган талабгорлар автотранспорт воситаси (мулк) бошлангич баҳосининг 10 фоизи миқдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида икхро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир автотранспорт воситаси (мулк) учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси «SHUKUR GRAND TRADE BUSINESS» МЧЖнинг «ASIA ALLIANCE BANK» ОАТБ Мирзо Улубек филиалидаги қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: № 2020 8000 6002 7414 4001, МФО: 01103, СТИР: 302757392. Аукцион қолбиде сотиб олган автотранспорт воситаси (мулк) қийматини 5 банк куни мобайнида тўлалигича тўлаши шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Яксарой тумани, Тафаккур 1-тор кўчаси, 2-уй, 1-хонадон. Телефон/факс: (871) 215-54-59. Гувоҳнома № 007558. 27.11.2013 й.

Президентимизнинг «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарориде белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, шунингдек, хорижий тилларни ўқитиш бўйича халқаро таълим стандартларига асосланган миллий таълим тизимини ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшиш мақсадида Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази ва Ўзбекистон инглиз тили ўқитувчилари уюшмаси томонидан муайян ишлар амалга оширилмоқда.

ЯНГИ ТАЪЛИМ СТАНДАРТЛАРИ АСОСИДА

Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази қошида ташкил қилинган ишчи гуруҳи томонидан тизимда чет тилларни ўқитиш бўйича янги таълим стандартлари ишлаб чиқилди. Бунинг натижаси уларок инглиз тили фани муахассислари, тажрибали ўқитувчилар томонидан академик лицей ва касб-хунар коллежларининг ўқувчилари учун инглиз тили фанидан янги ўқув қўлланмаси яратилди.

Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети қошидаги 2-академик лицейда бўлиб ўтган семинар-тренингда ҳам шу ҳақида сўз борди.

— Бугунги кунда таълим тизими сифатининг асосини ташкил этадиган халқаро стандартларга мос келадиган ўқув қўлланмалари ва дареликларни яратиш ҳамда уларни чоп этиш муҳим вазифадир, — дейди академик лицей директори Феруза Рашидова. — Шу муносабат билан бир гуруҳ инглиз тили ўқитувчилари томонидан CEFR асосида яратилган «English» дарслик мажмуасининг тажриба синовлари юртимизнинг 42 та академик лицей ва касб-хунар коллежларида ўтмоқда. Тажриба синовиде иштирок этаётган инглиз тили ўқитувчилари ва бевосита уларга масъул бўлган методистларга амалий қўмак бериш мақсадида жорий йилнинг 15 март куни Нукус, Ўргач, Бухоро, Навоий, Самарқанд вилоятлари учун, 22 март куни Қашқадарё, Сурхондарё, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари, 28 март куни Тошкент, Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари учун семинар-тренинглар ташкил этилди.

Семинарда «English» дарслиги мажмуаси ҳақида умумий тушунча берилди, «Ўқитувчиларни методик қўлланма билан таништириш», «Тажриба синов майдониде меъёрий ҳужжатларни расмийлаштириш» мавзуларида қизқарли чиқишлар қилинди.

Тадбир сўнида синов майдониде юзага келган муаммолар ва уларнинг ечими ҳақида ишчи гуруҳи ва тажрибали катнашчиларнинг мулоҳазали фикрлари тингланди.

— Ушбу тадбирда нафақат лойтахтимиз, балки республика миқёсидаги ўқув муассасаларининг инглиз тили фани ўқитувчилари иштирок этмоқда. Бу педагогларнинг чет тили бўйича назарий ва амалий билимларини янада ошириш, билим доирасини кенгайтириш, бир-бирлари билан фикр алмашиш, ҳамкорликда самарали ишлар олиб боришга қўлайди, — дейди Тошкент туризм касб-хунар коллежининг инглиз тили ўқитувчиси Зилола Каримова.

Дарҳақиқат, ёшларга чет тилини шунчаки умумий ҳолда ўргатиб қолмасдан, касбий фаолиятга йўналтириш бугунги куннинг асосий вазифаларидан биридир. Мазкур янги дарслик мажмуаси эса тил ўрганишининг асосий қўлланмалари, тинглаб тушуниш, ўқиш, ёзиш қобилиятларини шакллантиришни ўзида мужассамлаштирган. Бу унинг энг катта ютуғидир.

Гулнигор САТТОВА

Спорт

ПАҲЛАВОНЛАРИМИЗ САРАЛАНДИ

Чирчиқ шаҳрида катталар ўртасида оғир атлетика бўйича 200 нафарга яқин спортчи иштирокида мамлакат чемпионати давом этмоқда.

Таъкидлаш жоизки, спортчиларимиз жорий йилда Жанубий Кореяда ўтказилаётган Осиё ўйинлари ҳамда Қозғистоннинг Алмати шаҳри мезбонлик қиладиган жаҳон чемпионатида кизгин тайёргарлик кўрмоқдалар. Мазкур халқаро турнирларга тайёргарлик доирасида мамлакатимизда кўплаб спорт мусобақалари ўтказилмоқда. Ўзбекистон чемпионати ҳам спортчиларимизнинг ушбу мусобақалар олдидан тажрибаларини янада оширишлари учун катта имконият яратадиде. Бу ўз натижасини берадиде, албатта.

Чемпионатда 56 килограммлик вазн тоифасидаги полвонлар баҳсида терма жамоамизнинг умидли вакилларида Андижон мактаби тарбияланувчиси Рузимурод Арслонов олтин медалга сазовор бўлди. Наманган вилояти шарафини ҳимоя қилган Адҳам Эргашев эса кумуш медални кўлга киритди. Андижонлик яна бир спортчи Элдор Қўлдошев бронза медал билан тақдирландиде.

Мусобақанинг 62 килограммлик вазн тоифасида кечган беллашувларда жами 10 нафар спортчи иштирок этди. Ушбу вазнда Лондон Олимпиадаси иштирокчиси, халқаро Гран-при совриндори

Руслан Макаров икки кураш баҳсларида энг юқори натижа кўрсатиб, биринчи ўринга сазовор бўлди. Фарғона вилояти вакили Шавкат Умрзоқов иккинчи, хоразмлик Хусниддин Аҳмедов эса учинчи ўринни эгаллади.

Вазни 48 килограммгача бўлган қизлар ўртасида кечган курашда навоийлик Лола Қодирова Ўзбекистон чемпиони бўлди. Тошкент вилояти шарафини ҳимоя қилган Карина Андреева кумуш медални кўлга киритди. Қашқадарёлик Раҳима Матқубова бронза медалига муносиб деб топилди. 53 килограммлик вазнда Лондон Олимпиадаси катнашчиси, Осиё чемпионати совриндори Марина Сисоева рақибларига ўзининг ниямларига қодир эканини яна бир бор кўрсатиб, олтин медалга сазовор бўлди.

58 килограммлик вазнли қизлар орасида Фарангиз Шомуродовага ҳеч ким тенг кела олмади. Зилола Бўриева ҳамда Нуржаҳон Хошимовалар иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллашди.

Мусобақанинг аҳамиятли томонларидан бири шундаки, бош совринни кўлга киритган спортчилар олий ўқув юртига имтиёзли равишда қабул қилинади.

Жавоҳир ТОШХЎЖАЕВ

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ХЎРМАТЛИ ҲАМШАҲАРЛАР!

Аҳолига қўшимча қўлайликлар яратиш мақсадида «Тошшаҳартрансхизмат» акциядорлик компаниясининг марказий диспетчерлик хизматиде 1062 рақамли ишонч телефони ташкил этилди. Бу ерда Сиз шаҳар жамоат транспортининг иши юзасидан операторга ўз фикрингизни билдиришингиз ҳамда «такси буюртмаси» хизматидан фойдаланишингиз мумкин.

Ўзбекистон Республикаси
Бош прокуратураси

Тошкент шаҳар
ҳокимлиги

«Тошшаҳартрансхизмат»
акциядорлик компанияси

АҲОЛИНИ ИЖТМОИЙ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ МАҚСАДИДА
«ТОШШАҲАРТРАНСХИЗМАТ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

«D» ТОИФАСИДАГИ ҲАЙДОВЧИЛИК ГУВОҲНОМАСИГА ЭГА БЎЛГАН
ФУҚАРОЛАРНИ ШАҲАР ЖАМОАТ ТРАНСПОРТИДА ИШЛАШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

ПРИГЛАШАЕТ ВОДИТЕЛЕЙ С КАТЕГОРИЕЙ «D»
ДЛЯ РАБОТЫ НА ГОРОДСКОМ
ПАССАЖИРСКОМ ТРАНСПОРТЕ.

(99871) 233-03-23; 233-59-38

Тошкент ш., Амир Темури шоҳқўчаси, 1-тор кўча, 6-уй



Тошкент ОҚШОМИ

Манзилимиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95
факс: (371) 232-11-39

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот бошқармасида
02-1-рақам билан рухсатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамити»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ

Бизнинг электрон манзил:
vto2007@mail.uz

Буюртма Г. 456

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
12137 нусхада босилди.
Қозғоз бичими А-2

Нашр учун масъул
Д. Исроилов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонаси. Корхона
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Тошпириш вақти: 13.00

Босишга тошпирилди: 14.20